

Қизилтепа туманида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Яқинда «Хўжа Ҳасан» қишлоқ фуқаролар йиғини марказида иш бошлаган «Зарметан Биосервис» савдо фирмасига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам шундай сайё-ҳаракатлар ҳосиласидир.

НАВБАТ ҚАНДОЛАТГА

Хозирда цехда 500-600 донагача қолиплаган нон ишлаб чиқарилмоқда. Цех ёнида ўрнатилган янги ускуналарда эса ҳадемай қандолат маҳсулотлари тайёрлана бошланади. Тадбиркор Даврон Амоновнинг сайё-ҳаракати туфайли ўнлаб маҳаллий ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

БУХОРО

Когон туманидаги «Тути-хунда» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди билан туташ ерда кўпчиликни лол қолдирадиган ажойиб маскан барпо этилди. Йиғирмадан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган 35 гектарлик иссиқхоналар иш бошлади.

АГРОШАҲАРЧА — ТЎКИНЛИК МАНБАИ

Иссиқхоналарнинг туپроқ унумдорлиги талаб даражасида, сув таъминоти яхши. Энг муҳими, агрошаҳарча «Энергомарказ» корхонаси яқинида жойлашган. Бу эса иссиқлик таъминотида муаммоларга ўрин қолдирмайди. Юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Соҳа мутахассислари ҳисоб-китобига кўра, иссиқхоналарнинг ҳар гектаридан ўртача ўттиз тоннадан помидор, бодиринг ва бошқа эртанги сабзавот экинлари етиштирилиши мумкин. Бу эса нафақат маҳаллий аҳолини сервитамин қишлоқ ҳудудидики маҳсулотлари билан таъминлаш, балки уларнинг муайян қисмини экспорт қилиш имконини ҳам таъминлайди.

Иззатулло ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

ФАРФОНА

Олтириқ туманидаги «Фромодатекстил» масъулияти чекланган жамияти иқтисодий ривожланган корхоналар сирасига кирди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ — ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ

2007 йил бу ерда бор-йўғи 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, замонавий технология ва ускуналар туфайли ҳозирда бу кўрсаткич 380 миллион сўмга етди. Корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Банкдан олинган кредит ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 11-fevral, seshanba № 19 (3368)

Ўзбекистон Президентининг Сочига ташрифи ҳақида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 феврал кунини Сочидеги XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Президентини «Адлер» аэропортида Сочидеги раҳбарияти ва Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари кутиб олди. Давлатимиз раҳбари шу кун мазкур улкан халқаро спорт байрами учун махсус барпо этилган Олимпия шаҳарчаси мажмуасидаги «Фишт» стадионида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу ажойиб ва гўзал тадбир Олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари учун, ҳеч шубҳасиз, асосий воқеа бўлди. Бош постановкачи, тажрибали продюсер К.Эрнст раҳбарлигида тайёрланган мазкур маросим миқёсининг кенглиги ва нобъ техника ечими билан стадиондаги барча томошабинларга катта завқ бағишлади, уларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бутун дунёдан келган спорт мухлислари тўрт йилликнинг асосий қишки мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини самимий қўтлади.

Россиянинг машҳур спортчилари иштирокида Олимпия машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ёрқин дамлари бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Сочига ташрифи доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан амалий учрашув ўтказди. Анъанавий дўстлик ва очкилик руҳида ўтган суҳбат давомида томонлар кенг қўламли ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга бўлажак расмий ташрифи хусусида фикр алмашди.

Сочидаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдоғон билан қисқа учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлашди. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр алмашилди. Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

9 феврал — Алишер Навоий таваллуди куни



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Г.Одилова, шоир Н.Жонузоқ ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улғуш шoir, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоийнинг бадий ва илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масаласига катта эътибор қаратилаётган. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шoir асарларининг мукамал тўплами нашр этилди.

Шoirнинг асарлари умумтаълим масканлари, коллеж ва лицейлар, oliй таълим даргоҳлари, илмий-тадқиқот муассасаларида кенг ўрганилмоқда. Буюк мута-

Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шoir Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда. Анъанага кўра, 9 феврал кунини Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шoir таваллудининг 573 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Башарият эъзозидоги шoir

факкир номи билан юритилувчи маърифат маскани — Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Навоий асарларининг электрон шаклини яратиш, бу йўналишда хориждаги нуфузли кутубхоналар, музейлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан ишлар олиб борилаётган. Навоий асарлари жаҳон халқларининг кўлаб тилларига таржима қилинмоқда, китоб ҳолида нашр этилмоқда. Мутафаккир бобомизга улкан эътиром рамзи сифатида дунёнинг қатор шаҳарларида унинг хайкаллари ўрнатилган.

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Мариан Пшездзекчи Алишер Навоий асарларида тараннум этилган, инсониятни эзгуликка ундовчи ғоялар умрбоқийлиги билан бутун башариятнинг маънавий хазинасига айланганини таъкидлади. Шoirнинг газаллар тўламини яқинда польша тилига мутахассислар томонидан илк марта поляк тилига ўғирлиб, алоҳида китоб ҳолида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилгани бунинг яққол намунаси.

Ўзбекистон халқ артисти А.Раффиков «Фарҳод ва Ширин» достонидан парча ўқиди. Навоий газаллари билан айтувларни қўшиқлар ижро этилди. Ташкент давлат шарқшунослик институти талабалари шoir газалларини инглиз, немис, француз, япон, корей тилларида ўқиб берди. Навоийга бағишланган шoirлар ўқиди.



Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий хайкали пойига гуллар қўйди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Ташкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу кунини пойтахтимиздаги Шoirлар хибонасида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шoirлар, навоийшунос олимлар, ёш ижодкорлар, ёшлар иштирок этди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети про-

фессори Н.Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шoirи С.Сайид, Ўзбекистон халқ шoirи Т.Низом, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, шoir С.Ҳакимов ва бошқалар Алишер Навоий ижоди инсониятни эзгуликка ундаб келаятигани таъкидлади. Мушоирада улғу мутафаккир асарларидан намуналар ўқиди.

Буюк шoir таваллудида бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири. Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Курултой

ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмасининг навбатдан ташқари VII Курултойи бўлиб ўтди. Унда Марказий кенгаши раиси Муса Анорбоевнинг 2013 йилда амалга оширилган ишлар, кўлга киритилган ютуқлар хусусидаги маърузаси тингланди.

Эзгу ишлар давом этади

— Юртимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Фермерлик ҳаракати йўлга қўйилгани ва унинг ривож учун кенг имкониятлар яратилгани муваффақият омили бўлаётган. Айни пайтда фермер ҳўжаликлари ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик ҳўжаликлар бўлиб, мухта-сар қилганда, улар қишлоқларимизнинг таш-у-стунидир. Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда уларнинг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этади.

сида Низомлар ишлаб чиқилди. Жойларда туман ва бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериш мақсадида тасдиқланган жадвалга биноан Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар ҳамда Ташкент шаҳрида тармоқ касабаси уюшмаси туман ва бошланғич ташкилотларида олиб борилаётган ислохотлар ва келгусидаги истиқболли вази-фаларга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди.

Айни пайтда 168 та тармоқ туман ва шаҳар кенгашлари таркибиде 5190 та бошланғич касабаси уюшма ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофида 1606337 нафар аъзони жипслаштирган. 5070 та касабаси уюшма қўмитаси раислари жамоатчилик асосида фаолият юритса, 120 нафар касабаси раислари асосий ишдан озод этилган ҳолда меҳнат қилади. 5190 та бошланғич касабаси уюшма ташкилотидан 120 тасида ҳақ тўланадиган аппаратлар мавжуд. Тармоқдаги 6 та oliй ўқув юртининг касабаси уюшма ташкилотларида 20913 нафар талаба ва 4007 та ишловчи, 358 та ўрта махсус касб-хўнар таълим муассасаларида эса 267286 нафар талаба ва 42811 нафар ишловчи ҳисобда туради.

Утган йили 298 та бошланғич ташкилотда 29562 нафар касабаси уюшма аъзоси қўпайди. Нодавлат ва нотижорат ташкилотларини тармоқда жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида 1793 та цех бошланғич ташкилоти тузилиб, 18095 нафар аъзо жалб қилинди. 2013 йил касабаси уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан август ойида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий ва ноябрда эса республика босқичлари ўтказилди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган умумий республика босқичида «Пахтаसानот илмий маркази» ОАЖ, «Хатича ая» фермер ҳўжалиги ва «Ургач-ё» касабаси уюшма қўмиталари фахрли ўринларни эгаллашди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида 28 та бошланғич ташкилот Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Вазирлик, идора, қўмита, инспекциялар билан 2013-2015 йиллар учун 12 та тармоқ келишуви имзоланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Дикқат, танлов!

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омаллаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартдан

2014 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади. (Давоми 4-саҳифада).

Устувор йўналишлар бўйлаб

Фаолият самарадорлиги руҳни кўтаради, меҳнатга рағбат уйғотади

Агросаноат мажмуи ходимлари Самарқанд шаҳар кенгашида устувор вази-фалар ихросига эришиш, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини таъминлаш, ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Мухбиримиз тармоқ кенгаши раиси Рустам Валиев билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Маълумки, устувор йўналишлардан бири нодавлат сектор корхоналарида ишловчилар манфаатини ҳимоялаш, уларни жамоат ташкилоти сафига жалб этиш ҳисобланади. Тармоқ касабаси уюшмаси бу борада нималарга эришди?

— Касабаси уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, тузилмавий ўзгаришлар борасида амалга оширилган ислохотлар бошланғич ташкилотлар имкониятини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Сир эмас, Самарқанд шаҳрида бошланғичлар фаолиятини мувофиқлаштирадиган тармоқ касабаси уюшмасига эҳтиж катта

эди. Сабаби, шаҳар ҳудудидаги бир қатор нодавлат сектор корхона ва ташкилотлари, кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, баъзи хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган корхоналар ходимлари касабаси уюшмаларига жалб этилмагандан қолган. Гарчанд, фаолиятимизга ҳали бир йил тўлмаса-да, ана шундай корхоналар ходимлари билан алоқалар ўрнатиб, касабаси уюшмалари афзалликларини етказиш учун барча имкониятларни ишга соляймиз.

Утган фурсат шаҳардаги қатор йирик корхоналар, хусусан, «Отел оксус» МЧЖ, «Транспортчи» ШК, «2-Оқсарой» КТХФ, Зирабулоқ, Самарқанд биолобаториялари,

«Моҳли оқила» хусусий корхонаси, вилоят фермерлар кенгаши каби ташкилотлар ходимларини сафимизга жалб этдик. Уларда бошланғич ташкилотлар тузилиб, жамоа шартномалари имзоланди. Иш берувчилар томонидан ходимларга яратилиши лозим бўлган шароитлар меъёрий ҳужжатлар орқали мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасида изланишлар жадал олиб борилаётган. Таассуфки, хусусий сектор корхоналарининг аксариятида ҳали касабаси уюшма имтиёзлари жорий этилмаган. Биз уларнинг ҳар бирига кириб боришга, ишловчиларни жамоат ташкилоти сафига тортишга ҳаракат қилаёلمиз. ЎзКУФК томонидан жорий йил учун белгиланган олинган 12 та устувор йўналишлардан бири ҳам айнан ана шу йўналишдаги ишларни янада кўнатиришга қаратилган. (Давоми 2-саҳифада).

Конференциялар

Ислохотларни чуқурлаштириш йўлида

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари VI конференцияси бўлиб ўтди. Уни бирлашма кенгаши раиси Бекжанбой Матякубов олиб борди.

Бирлашманинг 2011 йил январ ойдан 2014 йил январ ойгача бўлган фаолияти тўғрисида ахборот берар экан, кенгаш раиси ўтган уч йил давомида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда улкан ўзгаришлар содир бўлганини таъкидлади.

Асосий эътибор касаба уюшмаларининг маънавий ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятни талаб асосида йўлга қўйиш, касаба уюшма афзалликларини тарғиб қилиш, барча юридик шахсларни аъзоликка жалб қилишга қаратилди.

Ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини яхшилаш борасида олиб борилган тизимли ишлар бесапар кетмади. 2010 йилда ходимларнинг 85,2 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олинган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 87,8 фоизга етди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилди. 2012-2013 йилларда ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 1518 та йўлланма, жумладан, 95 таси бепул тарқатилди.

Конференцияда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Шунингдек, галдаги вазифалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Курултойига делегатлар сайланди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ТУРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Жиззахда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI конференцияда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2010 йил июлидан 2014 йилнинг январгача бўлган фаолияти юзасидан кенгаш раиси Н.Пардаевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ҳўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатилган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш баробарида нодавлат секторда ишлаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бирлашма кенгаши қошида янги ташкил этилажак корхона, ташкилот, муассаса ҳамда яқин тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш, уларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш жараёнида ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатувчи «Услубий марказ» жамоатчилик асосида ишлаб турибди.

Касаба уюшмаларининг қўйи бўғинларида ташкилий ишлар бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Жумладан, айрим тармоқ касаба уюшма кенгашлари ўқув-семинарларни ташкил этишмапти, айримлари номингагина ўтказилаяпти. Бу муҳим тадбирга етарлича эътибор кўрсатилмапти.

Касаба уюшмаларининг қўйи бўғинларида ташкилий ишлар бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Жумладан, айрим тармоқ касаба уюшма кенгашлари ўқув-семинарларни ташкил этишмапти, айримлари номингагина ўтказилаяпти. Бу муҳим тадбирга етарлича эътибор кўрсатилмапти.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Курултойига делегатлар сайланди. Анжуманда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг VI конференцияси бўлиб ўтди.

Вилоят «Ёшлар маркази» мажлислар залида уюштирилган тадбирда даставвал «Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг 2010 йил июнидан 2014 йил февралгача олиб борган фаолияти юзасидан ва келгусидаги устувор вазифалари тўғрисида»ги ҳисоботи тингланди. Кенгаш раиси Назира Тоғаева ҳисобот довомида кенг қамровли ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Шунингдек, «Тафтиш ҳайъати аъзолари таркибига ўзгариштирилари киритиш тўғрисида»ги масала қўрилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари V конференцияси бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан келган 70 дан ортиқ делегат қатнашди.

Бирлашма кенгаши раиси Соғиндик Ниетуллаев кун тартибидан биринчи масала — Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашнинг 2010-2013 йиллар давомида олиб борган ишлари ва келгусидаги долзарб вазифалар борасида маъруза қилди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 22515 нафар фуқаро ва 9086 та оилага жами 6 млрд. 332 млн. 450 минг сўмлик турли кўринишдаги ижтимоий кўмак кўрсатилди. 2013 йил давомида тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда 46 та бахтсиз ҳодиса рўй берганиги қайд этилди ва жами 258 млн 826 минг сўм зарар тўловлари белгиланди.

Надавлат сектордаги корхона, ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига жалб этиш мақсадида (ходимларга ва иш берувчиларга мўлжалланган) касаба уюшмасининг имтиёз ва афзалликларини тушунтириш ва тарғиб этишга қаратилган буклетлар ишлаб чиқилди. Давлат статистика органлари, маҳаллий ҳокимликларнинг тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари, лицензия берувчи идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, янги иш жойларида касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари кучайтирилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида таҳсил олаётган 5 нафар кам таъминланган, иқтидорли талабани қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма стипендиеси жорий этилди.

Эзгу ишлар давом этади

ган, иқтидорли талабани қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма стипендиеси жорий этилди. Ўзги мавсумда 70 та оромгоҳда 28 минг 384 нафар бола соғломлаштирилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан агро-росаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимига қарашли «Келажак», «Конструктор», «Ғунча» оромгоҳларида Ўзбек Давлат циркиннинг томошалари

ушотирилди. Ушбу оромгоҳларда дам оланган 920 нафар боланинг 180 нафарини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда 40 на-

фарини «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ташкил этди. Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга касаба уюшма аъзоларининг жамоавий саёҳатлари уюштирилди. 50 нафар кам таъминланган оила вакиллари Самарқанд виёратига олиб борилди.

Фермерлар кенгаши ва унинг таркибидоги фермер ҳўжаликлари ходимлар-

қончилиги ҳамда ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар бўйича доимий ишга қабул қилиш, меҳнат дафтарчаларини очиш бўйича жойларда кенгайтирилган семинарлар ташкил этиб, услубий ва амалий ёрдам кўрсатди. Натижада, 2013 йилда 300 минг 42 нафар (фермер ҳўжаликларида ишлайётган) мавсумий ишчиларга меҳнат дафтарчаси очилди.

Маъруза юзасидан Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Илхом Сабдаров, Қорақалпоғистон Республикасидан Боғдагул Муратова, тармоқнинг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Матмуратов, Асака туман кенгаши раиси Хидоятулло Аҳмедов, Тошкент шаҳар «Сифат» маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Шохидо Бегимқулова, Наманган туманидаги «Баркамол омад сари» фермер ҳўжалиги раҳбари Инобат Ҳасановлар фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раҳбар органи бундан кейин Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши деб юритилади бўлди. Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уставига қўшимча ва ўзгариштирилган киритиш тўғрисидаги тақлиф бир овоздан маъқулланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг навбатдан ташқари VI Курултойига делегатлар

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Иқром ҲАСАНОВ олган сурат



ушотирилди. Ушбу оромгоҳларда дам оланган 920 нафар боланинг 180 нафарини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда 40 на-

Фаолият самарадорлиги руҳни кўтаради, меҳнатга рағбат уйғотади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

«Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» лойиҳаси доирасидаги чоратадбирларнинг амалга оширилиб келинаётгани бошланғич ташкилотларни фаолликка қарайтириш. Шу ўринда қўйи ташкилотлардаги қандайдир таъбирларнинг қайд этган бўлардигини?

— Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикларимиз бўлиши иш берувчиларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлигида силхилиш кўзга ташланаётгани эътирофга лойиқ. Масалан, «Каттақўрғон ёғ-мои» ОАЖ маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан ходимларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ибратли ишларни тилга ола бўлади. Кейинги икки йилда корхонада ишлаётган ўттиздан ортиқ ёш оилалар корхона кўмагида намунавий лойиҳа асосида қўрилган уй-жойларга қўчиб ўтишди. Бундан ташқари, корхона спортни ривожлантириш, сийхаттоҳларни реконструкция қилиш, коллежлар моддий

базасини яхшилаш, ногиронлар, фахрийларни қўллаб-қувватлаш, бандликка кўмаклашиш каби масалаларга ҳам салмоқли маблағ ажратиб келаяпти.

Ходим моддий манфаатдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлиги кучайишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Жамоа шартномасига мувофиқ, иқтисодий имкониятдан келиб чиққан ҳолда ходимлар моддий манфаатдорлигини оширишга интиляётганлар ҳам оз эмас. Жумладан, «Самарқанд вино қомбинати»да ўтган йилнинг сентябр ойида жамоа ходимларига тўланаётган энг кам иш ҳақи миқдори 175 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил биринчи январдан бошлаб энг кам иш ҳақи 200 минг сўм қилиб белгиланди.

Эътиборли жиҳати, тўланаётган энг кам иш ҳақи тўловлари икки йилда корхонада ишлаётган аша шу сумага нисбатан тадриқий қилинмоқда. Соҳада ишловчи барча ходимлар тармоқ ҳўжалик махсулотлари қўчиб ўтишди. Бундан ташқари, корхона спортни ривожлантириш, сийхаттоҳларни реконструкция қилиш, коллежлар моддий

«Соҳа ходимлари ва улар оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишни ташкил этиш қай аҳволда?»

— Ўтган йилда тизимда хизмат қилаётган 72 нафар ходим касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари билан мамлакатимиз сийхаттоҳларида ўз саломатлигини мустаҳкамлашга эришди. Бу ўтган йилга нисбатан дам олувчилар икки баробар ошганини кўрсатади.

Шунингдек, ходимларнинг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ва муобрак қадамжоларда саёҳатини ташкил этишга доир ишлар қўлама кенгайтирилди. Тан олиш керак, илгари бу масала анча эътибордан четда қолганди. Эндиликда ҳар бир ташкилот ходимларга шундай имкониятни яратиб беришга интилямоқда. Ўтган фурсатда соҳа ходимларидан 73 нафар Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз шаҳарлари саёҳатида бўлишди. Соғлом бола йилда меҳнаткашларнинг фарзандларига ҳам ана шундай шароит яратишни мўлжаллаб турибмиз.

Сўхбатдош: «Ishonch» мухбири Нурилла ШАМСИЕВ

Кўрик-танлов

Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан марказий шифохона бўлимлари, қишлоқ врачлик пунктлари ўртасида тиббий хизматга бағишланган кўргазмали кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тиббий хизмат кўргазмаси

Жамоалар томонидан тайёрланган расм ва плакатларда кўрсатилган тиббий хизмат ифода этилган бўлиб, танлов иштирокчиларининг шарҳлари ҳам тингланди.

Ҳайъат қарорига асосан биринчи ўринни марказий шифохонанинг 1-ички касалликлар бўлими эгаллади. Иккинчи ўринга режали шароҳлик, учинчи ўринга эса шифолини тез тиббий ёрдам бўлимлари сазовор бўлди. Шунингдек, турғуқона бўлимлари томонидан тайёрланган расм ва плакатлар энг сара ишлар қаторида эътироф этилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

М. МАХМУДОВ

Тадбир

Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида касаба уюшмалари фаоллари ҳамда жойлардаги ташкилот, корхона, муассаса ва идоралар вакиллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра сўхбатлари кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, Ғиждувон туманида ўтказилган тадбир кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотди.

Кун тартибидоги масала юзасидан туман ҳокими ўринбосари А.Йўлдошев сўзга чиқиб, 2013 йилда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва

Юзма-юз мулоқот

2014 йилнинг устувор вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири И.Тошов амалга оширилаётган бир қатор ишлар ва галдаги устувор вазифалар, иш берувчи билан ижтимоий шериклини фаолият юритиш афзалликлари тўғрисида тўхтади. Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори А.Амонов, туман ҳокимлиги молия бўлими мудири Э.Жураев ва бошқаларнинг чиқишлари тингланди.

Давра сўхбати давомида кўпчилик иштирокчилар касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган бундай тадбирларни эътироф этиб, уларни учун кўп нарсани олганликларини таъкидлашди. Юзма-юз мулоқот чоғида айрилган фикр-мулоҳазалар, тақлидлар нисбатига олинган ҳолда, чора-тадбирлар белгиланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

«Гиссарнефтьгаз» МЧЖ қўшма корхонасида 989 нафар киши меҳнат қилади. Жамоа катта, қолаверса, ишчилар тарқоқ шароитда, яъни турли конларда ишлашди. Шунинг учун касабакўм етакчиси Жўрақул Амировнинг бўш вақтини топишимиз осон бўлмади. Конларга бориб, ишчиларнинг иссиқ-совуғидан ҳафс олиш, турли масалалардаги аризаларнинг ечимини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган фаолиятни назорат қилиш, ходимларнинг саломатлиги йўлидаги масъуллик, ёрдамчи ҳўжаликлари ривожлантириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида ташкилотчилик масалалари...

Масъулият юки

Жўрақул ака табиатан ғирромлик ва берақлиқлики ёмон кўради.

— Энг маъқул меҳнат — хавфсиз меҳнатдир, — дейди биз билан сўхбатда Жўрақул ака. — Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги объектларимизда меҳнатни тўғри ташкил этиш, хавфсизлиқни таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар олдини олишга эътибор қилиш. Ҳар бир ходим махсус кийим ва пойабал, шунингдек, совун ва сўт махсулотлари билан таъминланади. Цехларда техника хавфсизлиги бўйича мейёрнинг ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Ходимларнинг саломатлиги ишининг унумига таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, турли профилактик тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, корхонада ҳар йили ишчиларнинг тиббий кўриги ташкил қилинади. Унга кўра, 17 нафар ишчида даволаниш учун тавсиялар берилди. Обод турмуш йилда 56 нафар ходим турли сийхаттоҳларда хордик чиқарган бўлса, 55 нафар хизматчининг Шаҳрисабздаги Мироди санаторийсида икки кунлик дам олиши таъминланди.

Бундан ташқари, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қўрилган саёҳат ходимларининг кайфиятини кўтарди. Корхонамизда 51 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. 8 март — Хотин-қизлар кўни муносабати билан уларнинг ҳар бирига телевизор совға қилинди. 200 нафардан зиёд ҳамкасбимизга моддий ёрдам ажратилди, 76 нафар ходимнинг биринчи синфга борадиган фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилди.

Болажонларга гамҳўрлик Халқаро бола-

ларни ҳимоя қилиш кўни ҳамда Янги йил байрами арафасида турли театр томошалари, истироҳат болларига олиб бориш ва турли-туман совғалар улашиш каби анъанавий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топди. Ўтган йили 96 нафар ходим фарзандлари «Ёш алангачи» оромгоҳида ёзни кўнгили ўтказишди.

Шунингдек, ўтган йили корхона жамоаси Ғузур тумани Янгигент ҳўжалиги ҳудудида «Обод турмуш» боғини яратиш ташаббуси билан чиқди ва ажратилган ёрдамчи ҳўжалик еридан беш гектар майдонга 3000 тулдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Дам олиш кўнлари ташкил этилган ҳашарда нефт-газ қазиб чиқариш конларидан, автотранспорт, қурилиш, ишчилар таъминоти цехи, қўриқчилар бўлими ва идора ходимларидан иборат 100 дан зиёд киши фаол иштирок этди. Бундан ташқари, нефт ва газ қазиб чиқариш конларида ва бошқа участкаларда 2000 тулдан ортиқ турли хилдаги мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, ободонлаштирилди. Богорлар яратишда барчаннинг сидқидилдан меҳнат қилгани эътиборли. Ишчилардан Элбой Тонназаров, Азамат Назаров, Учқун Эшқуватов, Бахтиёр Буриев, Урол Хуррамов, муҳандис ва техник ходимлардан Камол Ибрагимов, Сўҳроб Амировларнинг жонбозлигини мисол қилишимиз мумкин.

Ходимларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида Қарши тумани «Батош» маҳалласида намуналик коттежлар қурилиши бошлаб юборилган. Жамоа шартномаси банд-

ларига асосан ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга иш берувчи томонидан ҳам хайрихоҳлик билдирилаётгани меҳнатга яраша рағбат тамойилларига тўғри келаяпти.

— Касаба уюшма қўмитаси раиси қандай фазилатларга эга бўлиши керак? — дея сўрайман раисдан.

— Касабакўм етакчиси инсонларнинг қалбига кириб бориши лозим. Ходимларни эшита билиши, уларнинг дардини ҳис этиши, оилавий шароитини сўраб-суриштириши ҳамда мавжуд муаммолар ечимини кўмаклашиши зарур. Нафақат ходимнинг, балки унинг фарзандларини соғломлаштириш тадбирларида фаоллик кўрсатиши талаб этилади. Қолаверса, ёшларга ҳам гамҳўрлик қилиши, уларга ҳар томонлама устоз бўлиши даркор...

Жўрақул ака касабакўм етакчиси учун зарур бўлган хислатларни санарди-ю, буларнинг барчасини унинг ўзида кўради. Дарҳақиқат, қаҳрамонимиз нефт ва газ соҳасининг мохир биллимонди, жонқуяр мураббий, маъсулиятини ҳис этадиган етакчидир. Бунга қатор мисоллар келтиришимиз мумкин.

«Гиссарнефтьгаз» МЧЖ қўшма корхонасининг «Маънавият ва маърифат» хонасига кирар эканмиз, ажойиб жиҳозланган тадбирлар зали, турли адабиётларга сероб кутубхона ва бошқа шароитлардан қўнглимиз ўсди. Беихтиёр корхонада ўтказилган тадбирларни ўзида акс эттирган бир неча фотоалбомни варақлаймиз. Турли спорт тадбирлари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган «Маънавият соатлари» ва давра сўхбатлари, ходимлар фарзандларининг суннат тўйлари, Янги йил, Мустақиллик, Наврўз каби байрам тантаналари, оромгоҳлардаги, ҳашарчилар кузуридоги учрашувлар... Суратлар ушбу тадбирларнинг юқори саняда ташкил этилганидан сўзларди, гўё. Яна айтиш жоизики, бундан иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги мустаҳкам ижтимоий шериклик ва қаҳрамонимиз Жўрақул ақанинг ташкилотчилиги, тиниб-тинчимаслигини англаш қийин эмас эди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири



Омскда қора қор ёғди. Ушшаба кунин Орт1.ру интернет портали шундай хабар билан чиқди. Хабарда қайд этилишича, қора қор 8 феврал кунин шаҳар шимолидаги икки кўча аҳолиси томонидан кузатилган. Қолаверса, қорамтир чағ шаҳар ташқарисидга Пушкино посёлкаси кўчаларини ҳам қоплаган.

Қора қор ёққанда

Шаҳар кўчаларидаги антиқа қордан намуна олиниб, текшириш учун лабораторияга олиб кетилган. Натихалар яқин икки кун ичида қишқи кутилмоқда. Омск аҳли мазкур гайритабиий ҳодисага шаҳар яқинида жойлашган 5-иссиқлик электр марказининг ҳавога кул чиқариши сабаб бўлганлигини тахмин қилаётти.

Аввал ҳам Омскда худди шундай ҳодиса кузатилган. «Омск телевизион компанияси» маълумотиға кўра, 2012 йилнинг ёзида шаҳар устига оқ кукунсимон модда тушган. Текшириб қўрилганда, у алюминатли бўлиб чиққан.

Японияда қучли қорбўронлар оқибатида 7 киши ҳалок бўлди. Яна минглаб киши жароҳат олган, дея хабар қилади маҳаллий ННК телеканали.

Фожиали рекорд

Таъқидланишича, одамлар асосан йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ҳалок бўлишмоқда. Жабранганлар орасида эҳтиётсизлик оқибатида сирпанчқ йўлақларда йиқилиб, бош билан тушганлар кўпчиликини ташкил этади.

Қорбўронлар туфайли турли минтақалардаги 20 мингдан зиёд хондонлар электр энергиясиз қолган. Шунингдек, 300 дан ортиқ авиарейсларни бекор қилишга тўғри келган.

Японияда қучли қорбўронлар ўтган шабаба кунин кузатилган. Шу кунин Токио шаҳрининг ўзида 27 сантиметр қалинликдаги қор ёғди. Таъқидланишича, бу сўнгги 45 йил ичидаги рекорд натижадир.

Буёқ Британиянинг Скарборо шаҳридаги ҳайвонот боғида Гумболдт пингвинларига тинчлантисувчи дори — антидепрессантлар берилди бошланди.



Кушларга кайфият улашилмоқда

Жанубий Американдан олиб келинган Гумболдт пингвинлари (уларни Перу пингвинлари деб ҳам аташади) Англиянинг нам ва шамолли иқлимига кўника олишмаганга ўхшайди. Сабаби, улар туҳум қўйишни тўхтайтиб, иштаҳаси йўқолган ва киришувчанлиги пасайган.

Ҳайвонот боғи ходимларининг айтишича, келтирилганидан бир ҳафта ўтибқ пингвинларда туҳумчилик кузатилган. Бир ойдан кейин эса уларни бутунлай «бахтсиз» ҳис этишни бошлаган. Депрессияга қарши дорилар ижобий натижа бермади, кейин қандайд бора қўлланилиши номалум.

Пингвинларнинг бу тури, аслида, Чили ва Перу қирғоқларида, океаннинг совуқ оқими оқиб ўтадиган тошлоқ жойларда яшайди. Кейинги йилларда Тинч океанидаги оқимлар ўзгараётганлиги боис Гумболдт пингвинларининг сони камайиб бормоқда. Шу сабабли мутахассислар уларнинг қирилиб кетиши эҳтимоли бор, деб ҳисоблашмоқда.

Украинадан Харьков-Истамбул рейси бўйича учган самолётни маст ҳолатда бўлган йўловчи эғаллаб олишга уринган. Унинг мақсади Сочи олимпиадасига йўл олиш бўлган.

«Сочиға учамиз»

44 ёшли Украина фуқароси самолёт Бориспол аэропортидан ҳавога кўтарилган, «Сочиға учамиз» дея учувчилар хонасига киришга уринган. Йўловчининг ёнида қурол ҳам, портловчи модда ҳам бўлмаган.

Украина хавфсизлик хизматининг хабар қилишича, самолёт ўз йўналишини ўзгартирмаган. Аксинча, Истамбулга қўйиши биланқ маст йўловчи қўлга олинган. Унга жиноий иш очилиши Украина транспорт прокуратураси ҳал қилади.

Интерфаксининг таъқидлашича, самолётни эғаллаб олиш ҳақидаги хабар пайдо бўлиши билан Украинанинг МиГ-29 ва Туркиянинг F-16 самолётлари уни кузатиб борган.

Интернет хабарлари асосида Ж.КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 - 04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села

1. Азиатский банк развития (АБР) предоставил Республике Узбекистан мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села».

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсному торгам.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсному торгам по следующему адресу:

Table with 3 columns: Бухарская область, Кашкадарьинская область, Наманганская область. Includes addresses and phone numbers for each region.

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов.

5. Возвращаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов - соответствующий Территориальному консалтинговому центру по конкурсному торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Table with 3 columns: Бухарская область, Кашкадарьинская область, Наманганская область. Includes bank names and account details for each region.

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1. Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и остальные документы, приведенные в тендерной документации. Технические и Ценовые предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.2 Тендерной документации: Письмо - техническое предложение; Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19; Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20,2;

8. Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17; Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов Раздела 2.

9. Ценовое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.3 Тендерной документации: а) Письмо - ценовое предложение; б) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 12 и 14; в) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

10. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал. Участники торгов должны представить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой «ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ». Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть представлено в другом конверте, с отметкой «ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ». Оба конверта содержащие оригинал технического и ценового предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями «ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ», «ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ».

11. Для технического и ценового предложения, отдельно, Участник торгов должен представить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы для участника торгов: Раздел-1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией Формы для участника торгов: Раздел-2 и ресурсную смету, вставляя в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть представлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящихся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождения между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать.

12. Прием конкурсных предложений осуществляется со стороны областных Территориальных консалтинговых центров по ценообразованию и конкурсному торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсному торгам в день или раньше конечного срока подачи предложений, который указан ниже. Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявок продлевается на следующий рабочий день.

13. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице, в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Table with 3 columns: Хокимият Бухарской области, Хокимият Кашкадарьинской области, Хокимият Наманганской области. Includes addresses and phone numbers for each region.

Table with 3 columns: Хокимият Самаркандской области, Хокимият Сурхандарьинской области, Хокимият Сырдарьинской области. Includes addresses and phone numbers for each region.

12. Открытые форумы для заинтересованных подданных будут проведены в соответствующих областных хокимиятах в 11.00, 17 февраля 2014 г. по адресам, указанным выше.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 - 04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села

1. Азиатский банк развития (АБР) предоставил Республике Узбекистан мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села».

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсному торгам.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсному торгам по следующему адресу:

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Bukhara region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Kashkadarya region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Namangan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Samarkand region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Surkhondaryo region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Sirdaryo region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Tashkent region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Chirchik region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Table with 7 columns: № лота, Область, Район, Массив, Кол-во домов в лоте, Номер домов по Лоту, Конечный срок подачи предложений. Includes data for Gulistan region.

Услуги лицензировано.

ИИВ идораларида

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида вазирликнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан Европа Иттифонининг «Узбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклаштиш» лойиҳаси фаоллари билан ҳамкорликда «Халқаро ҳамкорлик - суд-ҳуқуқ ислохотларини самарали амалга оширишнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда соҳага дахлдор халқаро ташкилотлар вакиллари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, олий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сузга чиққанлар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бераётгани, жазоларнинг либераллашуви тўғрисида гапирдилар. Жумладан, бугун қамоқда сақланувчилар сонининг

кўпчилигини, умрбод қамоқ жазосига жиноят кодексининг иккита моддаси билангина маҳкум этилиши, ҳар йили амнистия актининг қўлланилгани боис қамоқда сақланувчилар сони камаймоқда. Мисол учун, ўтган

давр мобайнида амнистия акти орқали 60 мингдан зиёд шахс жазодан озод этилган. Жазодан озод этилганлар ҳамда жазони ўтаб бўлганлар учун реабилитация марказлари фаолият кўрсатиши натижасида тақрор жиноятлар сони кескин пасайди. Бунда маҳалла институтининг ўрни катта бўлаёттир.

Суҳбат давомида Европа Иттифоқи

қаратилган семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, лойиҳанинг молиявий кўмағида ички ишлар органларида ташкил этилган кутубхона ва ҳуқуқий бурчлар фондиди тўдириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

дабир доирасида Ички ишлар вазирлиги ва Европа Иттифонининг «Узбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклаштиш» лойиҳаси ҳамкорлигида нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» ўқув қўлланмасининг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида Ички ишлар вазирлиги ва Европа Иттифонининг «Узбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклаштиш» лойиҳаси ҳамкорлигида нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» ўқув қўлланмасининг тақдими бўлиб ўтди.

Уллубек ИБДОДОВ, «Ishonch» муҳбири

Ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик

давр мобайнида амнистия акти орқали 60 мингдан зиёд шахс жазодан озод этилган. Жазодан озод этилганлар ҳамда жазони ўтаб бўлганлар учун реабилитация марказлари фаолият кўрсатиши натижасида тақрор жиноятлар сони кескин пасайди. Бунда маҳалла институтининг ўрни катта бўлаёттир.

суҳбат давомида Европа Иттифоқи

қаратилган семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, лойиҳанинг молиявий кўмағида ички ишлар органларида ташкил этилган кутубхона ва ҳуқуқий бурчлар фондиди тўдириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

қаратилган семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, лойиҳанинг молиявий кўмағида ички ишлар органларида ташкил этилган кутубхона ва ҳуқуқий бурчлар фондиди тўдириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

қаратилган семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, лойиҳанинг молиявий кўмағида ички ишлар органларида ташкил этилган кутубхона ва ҳуқуқий бурчлар фондиди тўдириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

қаратилган семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, лойиҳанинг молиявий кўмағида ички ишлар органларида ташкил этилган кутубхона ва ҳуқуқий бурчлар фондиди тўдириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

